

инвесторлар учун ишончли оширади ва уларни Ўзбекистоннинг туризм секторига сармоя киритишга ундайди.

Шу тариқа, туризм секторининг инвестициявий жозибаторлигини ошириш учун комплекс ёндашув зарур. Бу ёндашув инфраструктура модернизациясидан тортиб, табиий ва маданий ресурсларни сақлашга, шунингдек, халқаро ҳамкорлик ва маркетинг стратегияларини қўллашни ўз ичига олиши керак. Ўзбекистоннинг туризм сектори учун инвестицияларни жалб қилиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва халқаро обрўсини оширишда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Boskov, T. (2016). *Tourism strategy: move to an investment-driven strategy and promotion?*
2. Smiljanić, R. (2019). *Značaj turističkih investicija u gradovima - odabrane studije slučaja iz EU.*
3. Tsintsadze, A., & Diasamidze, N. (2022). *Scenarios of the Foreign Investments in the Sectors and Areas Promoting Development of the Tourism Sector. European Journal of Sustainable Development, 11(1), 55.* <https://dx.doi.org/10.14207/ejsd.2022.v11n1p55>

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ТАЪЛИМ СОҶАЛАРИГА ДАСТУРИЙ  
БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ЯКУНИЙ ВА  
БЕВОСИТА НАТИЖА МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

**Хушмуротов Зойир Бектемирович**

*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги*

*Давлат бюджети сиёсати департаменти бош мутахассиси,  
Банк молия академиясининг мустақил тадқиқотчиси*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон қарорига мувофиқ солиқ-бюджет сиёсатига стратегик ёндашувни татбиқ этиш мақсадида йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини жорий этиш белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11-сентябрдаги ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонининг 46-мақсадига асосан “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” тизимини жорий этиш белгиланган.

Дастурий бюджетлаштириш тизимида натижаларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Ҳукуматлар бюджет харажатларининг якуний ва бевосита натижа мақсадли кўрсаткичлари, талаб этиладиган маблағлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда бюджет тузишга комплекс ёндашади.

Хукуматлар нафақат қанча бюджет дастурини молиялаштириш учун ажратиладиган маблағ ва қандай товар ва хизматлар етказиб берилиши (чиқиши) ҳақида эмас, балки улар одамлар учун қандай натижаларга эришишини ҳам ҳисобга олишлари керак. Масалан, эришилиши керак бўлган таълим стандартлари (нафақат мактаблар ва ўқитувчилар сони), кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати (нафақат кўпроқ касалхоналар ва тиббиёт ходимлари) ва жамоат транспортининг ишончлилиги (нафақат яхши йўллар, кўпроқ автобуслар ва поездлар). Натижаларга бўлган бундай эътибор бюджет харажатларининг иқтисодий бўлмаганлигини ва самарасиз фаолиятни минималлаштириш ёки олдини олиш мумкинлигини англатади.

Дастурий бюджетлаштириш бюджет жараёнига киритилганда ва бюджет циклининг камида учта асосий нуқтасида бирлаштирилганда мазмунли бўлади: ҳисобот; мониторинг; ва қарор қабул қилиш. Аста-секин ва босқичма-босқич ёндашув зарур, чунки интеграция бюджет жараёнлари, тизимлари ва амалиётларини ўзгартиришни талаб қилади. Интеграция муваффақиятли бўлиши учун улар молиявий ҳисоботлар, мониторинг ва қарорлар қабул қилиш учун мавжуд ҳукумат тузилмаларига мослаштирилиши керак.

Якуний натижа кўрсаткичи, бевосита натижа кўрсаткичи ва тасир бу турли даражадаги ўзгаришларни тавсифлаш учун ишлатиладиган атамалар ҳисобланади.

**Бевосита натижалар (outputs)** -бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва ҳар бир тадбир учун сотиб олинган товарлар ҳажмини тавсифловчи миқдор кўрсаткичи бунга мисол, Иммунизация (эмлаш) бевосита натижаларни ўлчаш қоидага кўра якуний натижаларга қараганда осонроқдир.

**Мисоллар.**

• Қанча километр узунликдаги канализация трубкаси визуал текширилди?

• Қанча фуқароларга хизмат кўрсатилди?

• Қанча ёнғинга қарши чоралар кўрилди?

• Қанча ҳибсга олинган?

**Якуний натижалар (outsomes)**-эришиладиган асосий мақсадни тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, маблағ тақсимловчи органларнинг

фаолияти бўйича сифат ва миқдор ўзгаришларини акс эттиради. Иммунизация дастуридан кейин касалликнинг ўзгариши натижага мисол ҳисобланади.

**Мисоллар.**

• Олти ойдан ортиқ иш жойида ишлайдиган стажёрлар сонининг кўпайиши

• Ёнғинларда ўлим / жароҳатлар сонини камайтириш

• Туғилиш даражаси паст бўлган чақалоқларнинг камайиши.

• Шартнома харажатларининг ўсиши

- Ёнғиндаги йўқотишлар
- Кечиктирилган тўловлар фоизи

**Тасир (inpart)**- бирор натижага эришиш учун тасир кўрсатиш.

Ҳукумат ўзлари учун эмас, балки фуқаролар учун нима қилаётганини кўрсатиш учун бюджет дастурларининг мақсад ва вазифаларини белгилашда асосий эътиборни ресурслар ва тадбирларга эмас, балки якуний ва бевосита натижаларга қаратиш зарур.

Бюджет дастурлари кўрсаткичларини танлашда қуйидагиларда эътибор қаратиш лозим.

Кўрсаткич дастурни ижро етиш /хизматларни тақдим етишнинг мақсад ва вазифалари билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак;

кўрсаткични ҳисоблаш мунтазам равишда олинган ишончли ахборотлар асосида мумкин бўлиши керак;

кўрсаткич бошқа кўрсаткичларни такрорламаслиги керак;

кўрсаткич ҳисоб-китоблар, таҳлиллар ва ҳисоботларда фойдаланиш учун қулай бўлиши керак;

кўрсаткич фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиши керак.



**1-расм орқали бюджет дастурларини бир бирига боғлаш тартиби келтирилди**

Вазирлик ва идораларнинг синов бита бюджет дастурини якуний ва бевосита натижа мақсадли кўрсаткичларини шакллантириш. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни соғлиғини муҳофаза қилиш бюджет дастурининг якуний ва бевосита мақсадли кўрсаткичлари

**Якуний натижа кўрсаткичлари:**

- янги туғилган чақалоқларнинг ўлим даражаси;

- туғриқ вақтидаги оналарнинг ўлим даражаси;
- иммунизация миллий дастурига асосан болаларни вакцина билан эмлаш;
- ҳомиладор аёлларни неонатал парвариш билан қамраб олиш;
- хавф гуруҳидаги ҳомиладор аёлларни пренатал скрининг билан қамраб олиш;
- неонатал скрининг қамровини ошириш;
- асаб найчалари нуқсонлари бўлган болалар туғилиши;
- мақсадли гуруҳдаги (25 ёшдан ошган) аёлларни бачадон бўйни саратони скрининги билан қамраб олиш;
- мақсадли гуруҳдаги (40 ёшдан ошган) аёлларни кўкрак беши саратони скринингидан ўтказиш;
- 5 ёшгача бўлган болаларнинг бўйи / ёши ва вазни / ёши нормадан ташқарида бўлган улуши.

**Бевосита натижа кўрсаткичлари:**

- 12 турдаги вакцина билан эмланадиган болалар сони;
- ирсий касалликларни эрта аниқлаш мақсадида неонатал скринингдан ўтказиладиган ҳомиладор аёллар сони;
- туғма нуқсонни эрта аниқлаш мақсадида селектив пренатал скринингдан ўтказиладиган ҳомиладор аёллар сони;
- тирик туғилган чақалоқларнинг сулфактант ва бошқа дори воситалари билан таъминлаш;
- болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг қоннинг гематологик, кислота ва ишқорлар, биокимёвий ва иммунокимёвий, гемостаз тизими ҳолатини аниқловчи юқори технологик қурилмасини зарур асбоб-ускуналар, реагентлар билан тўлиқ таъминланганлик даражаси.

**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Олий таълимни кенгайтириш ва такомиллаштириш бюджет дастурининг якуний ва бевосита мақсадли кўрсаткичлари.**

**Якуний натижа кўрсаткичлари:**

- Олий таълим билан қамраб олиш даражаси (жами битирувчилар сонига нисбатан)
- Умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синф битирувчиларини касб-хунар мактабларига қабул қилиш улуши
- Соҳага оид давлат хизматлари сонини электрон кўринишга ўтказиш

**Бевосита натижа кўрсаткичлари:**

- Олий таълимга кирган ўқувчилар сони
- Касб-хунар мактабларига кирган ўқувчилар сони
- Хорижда малака оширган ёки стажировка ўтаган профессор-ўқитувчилар сони

**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг таълим сифатини ошириш бюджет дастурининг якуний ва бевосита мақсадли кўрсаткичлари.**

**Якуний натижа кўрсаткичлари:**

• Хорижий тил (инглиз, француз, немис, испан, италян, араб, хитой, япон, корейс, турк) бўйича камида В2 даражадаги халқаро тан олинган ёки унга тенглаштирилган миллий сертификатга эга бўлган хорижий тил ўқитувчилари улуши (жами хорижий тил ўқитувчилари сонига нисбатан)

• Президент мактаблари битирувчиларининг халқаро A-LEVEL сертификатидан юқори (A-C) натижани қўлга киритиш даражаси (жами битирувчилар сонига нисбатан)

• Президент мактаблари битирувчиларининг халқаро IELTS va SAT сертификатларидан (6,5 баллдан) юқори натижани қўлга киритиш даражаси (жами битирувчилар сонига нисбатан)

• Мактабгача таълим билан қамров даражаси

**Бевосита натижа кўрсаткичлари:**

• Умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилар орасида олий маълумотли ўқитувчилар (жами ўқитувчилар сонига нисбатан)

• Умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилар орасида олий тоифали ўқитувчилар (жами ўқитувчилар сонига нисбатан)

• Умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилар орасида биринчи тоифали ўқитувчилар (жами ўқитувчилар сонига нисбатан)

• Умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилар орасида тоифага эга ўқитувчилар.

Хулоса ўрнида, ҳукумат ўзлари учун эмас, балки фуқаролар учун нима қилинаётганини кўрсатиш учун бюджет дастурларининг мақсад ва вазифаларини белгилашда асосий эътиборни ресурслар ва тадбирларга эмас, балки якуний ва бевосита натижаларга қаратиш зарур.

#### **Фойланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 4-сон қарори

2. Бирлашган БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ва БМТнинг Тараққиёт Дастури (БМТТД) доираси жалб қилинган эксперт Йорг Надолльнинг ҳисоботи 113-б.

3. “PEMPAL” Бюджет жамиятининг 2020 йил июн ойидаги ҳисоботи, [BCOP@worldbank.org](mailto:BCOP@worldbank.org).

4. “Tanzi, V. (2000). “Globalization, “Technological Developments, and the Work of Fiscal Termites”, Working Paper No.00/181, IMF

5. OECD Best Practices for Performance Budgeting Ts. Andrew.Blazey@oecd.org, Sherie.Nicol@oecd.org

6. Program Classification for Performance-Based Budgeting: How to Structure Budgets to Enable the Use of Evidence, [https://ieg.worldbankgroup.org/sites/default/files/Data/reports/performance based budgeting bb.pdf](https://ieg.worldbankgroup.org/sites/default/files/Data/reports/performance%20based%20budgeting%20bb.pdf)

7. И.А. Азизова Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш. Тошкент – 2010й.